

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**


4 ЖИЛД, 3 СОН

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

ТОМ 4, НОМЕР 3

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2021

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Аскарлов Абров Давлатмурзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул
педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
педагогика фанлари доктори

Саипова Малоҳат Латиповна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Husanov Abbos OILADAGI NIZOLI MASALALARI BO'YICHA SUD-PSIXOLOGIK EKSPERTIZASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	4
2. Қорабоев Абдулазиз ҲАРБИЙ ОИЛАДАГИ ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТИ ВА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АМАЛИЙ ЎРГАНИШ.....	9
3. Гулямова Мавлуда ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДАЛИНГВОДИДАКТИКАНИНГАСОСЛАРИ.....	14
4. Акбарова Шахноза МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИШДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ.....	18
5. Норова Орифа МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА УРФ ОДАТЛАР БИРЛИГИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН.....	25
6. Насырова Зарина АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ ПРОБЛЕМЫ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ.....	30
7. Пардаева Мархабо ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИДА ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	39
8. Asrorov Ilgor INDIVIDUAL FEATURES OF VISUALLY IMPAIRED STUDENTS.....	44
9. Narziyeva Mastura BOSHLANG'ICH SINIF DARSLARIDA INTERFAOL METODLAR VA DIDAKTIK O'YIN TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.....	49
10. Sodiqova Yulduz PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF USING GAMES IN THE PROCESS OF TEACHING YOUNG LEARNERS.....	53
11. Таджибаева Гулхумор ПРИЧИНЫ И ПУТИ РАЗРЕШЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ.....	57
12. Набиева Зарина КИЧКИНТОЙЛАР РУҲИЯТИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИДА ОБРАЗЛИЛИК.....	62
13. Хуммаматова Камола КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ -ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИ СИФАТИДА.....	68
14. Қодирова Мадинабону ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСИ АРАБ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ КОМПЕТЕНЦИЯ МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	76
15. Махсудова Малика, Иброхимова Дилнора, Халилов Эргашвой ТАЛАБА ҚИЗЛАРНИНГ ТАНА ВАЗНИ ВА ҚЎЛ ДИНАМОМЕТРИЯСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАШ.....	86
16. Атамухамедова Гузал ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА ЯЗЫКОВОЙ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ....	91

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Набиева Зарина Набиевна
 Бухоро давлат университети
 Гуманитар йўналишларида чет тили
 кафедраси ўқитувчиси

КИЧКИНТОЙЛАР РУҲИАТИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИДА ОБРАЗЛИЛИК

For citation: Z.N.Nabiyeva. Image in the artistic expression of the spirit of children. Journal of innovations in pedagogy and psychology, Vol. 4, Issue 3, 2021, pp. 62-67

d <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2021-3-12>

Аннотация: Мақолада бадиий адабиётда кичкинтойлар образи ифодаси ва унинг тамсилий талқинлари, жумладан Антуан де-Сент –Экзюперининг. “Кичкина шахзода” қиссаси ҳақида фикр юритилган. Ундаги болалар ва катталар муносабати талқинлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилди. “Кичкина шахзода” эртаги Антуан де Сент-Экзюперининг энг қисқа асарларидан бири бўлса ҳам, ундаги адибнинг инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни ҳақидаги дардлари ва фалсафий мушоҳадалари, инсонлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамдардлик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари, ёвузлик ва ёмонликка қарши кураш ғоялари акс эттирилгандир.

Калит сўзлар: қисса, тамсил, талқин, образ, кичик ёш, тасаввур, тафаккур, бадиий олам, ҳаёт ҳақиқати.

Набиева Зарина Набиевна
 Бухарский государственный университет
 преподаватель кафедры иностранного языка
 по гуманитарным направлениям

ОБРАЗ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ВЫРАЖЕНИИ ДУХА ДЕТЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается выражение образа котят в художественной литературе и его репрезентативные интерпретации, в том числе у Антуана де Сент-Экзюпери. Есть мнение и о повести "Маленький принц". Особое внимание было уделено изучению интерпретаций отношения детей и взрослых к нему. Даже если сказка "Маленький принц" является одним из самых коротких произведений Антуана де Сент-Экзюпери, она отражает беды и философские размышления Адиба о смысле и значении человеческой жизни, об отношениях дружбы, солидарности, симпатии и взаимного уважения между людьми, об идеях борьбы со злом и злом.

Ключевые слова: повествование, репрезентация, интерпретация, Образ, малый возраст, воображение, созерцание, художественный ученый, реальность жизни.

Nabiyeva Zarina Nabiyevna

The teacher of ESP for Humanitarian Science Department
Foreign Languages faculty, Bukhara State University

IMAGE IN THE ARTISTIC EXPRESSION OF THE SPIRIT OF CHILDREN

ANNOTATION

The article examines the expression of the image of kittens in fiction and its representative interpretations, including those of Antoine de Saint-Exupery. There is an opinion about the story "The Little Prince". Special attention was paid to the study of interpretations of the attitude of children and adults to it. Even if the fairy tale "The Little Prince" is one of the shortest works of Antoine de Saint-Ecclesiastes, it reflects the troubles and philosophical reflections of Adib about the meaning and significance of human life, about the relations of friendship, solidarity, sympathy and mutual respect between people, about the ideas of fighting evil and evil.

Keywords: narrative, representation, interpretation, Image, young age, imagination, contemplation, art scientist, reality of life.

Педагогика ва психологияда турли ёш даврлари рухиятининг бир-биридан сезиларли фарқи асослаб берилган. Хусусан, чакалоқлик, илк болалик, мактабгача таълим ёши, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик, етуклик ва кексалик даврларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, сифатларга эга бўлиб, улар бир-биридан одамнинг хронологик ёш кўрсаткичларигагина эмас, балки шу даврда инсон рухиятида кечадиган ходисалар, рўй берадиган ўзгаришлар, унинг рухиятидаги умумий қонуниятларга кўра ҳам фарқланиши таъкидланган. Болалар қалбини бадиий тадқиқ этиш, болаликни бадиий кўзгусида бутун борлиғича акс эттириш, аниқроғи, бола дунёқараши, ботиний ва зохирий такомиллашуви ҳамда ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиш пиллапоаяларини кўрсатишни мақсад ва вазифасига айлантира олган болалар бадиий адабиёти ёзувчи олдиға ғоят нозик масала: ўз ўқувчисининг ёш хусусиятлари, рухияти, савияси ва кизикишларини назарда тутган ҳолда ижод этиш вазифасини қўндаланг қилиб қўяди.

Болаларға мўлжалланган бадиий асарларнинг муҳим жиҳатларини Л.Н.Толстой баҳоси биланоқ англаш мумкин. Буюк адиб ўзининг етмиш йиллик умрини сарҳисоб қилиб: “Беш яшар боладан менгача – фақат бир кадам, янги туғилган чакалоқдан беш яшар болагача– даҳшатли масофа!” дейди. Ёзувчи ҳақ. Чакалоқ беш ёшға тўлгунға қадар оёқ ташлаб, тил чиқаради, онги куртак ёза бошлайди, туйғуллари шаклланиш жараёниға қира бошлайди. Инсон шахсиятидаги ижобий ва салбий қирралар ҳам шу даврда кузатилади. Мактабгача таълим ёшидаги бола ҳали китоб ўқишни, унинг мазмунини идрок этишни билмаса-да, уларда атроф-оламдаги ўзларига номаълум ходисалар, нарса-предметларға қизикишлари кучли бўлади. Айни пайтда тақлидчилик асосида ҳаётни ўзлаштира борадилар. Бинобарин, болалар адиблари китобхонликнинг бу давриға алоҳида эътибор қаратмоқлари, уларнинг тил ва нутқ бойликлари, қувноқликка мойил табиатларини инобатға олмоқлари ғоят зарур. Болаларнинг шу ёшиға хос-характер хусусиятларини теран хис қилмаган ёзувчи шоирлар образ яратишда қийналади. Яъни мактабгача тарбия ёшидаги болалар оламини бадиий ифодалашда уларнинг дунёсини теран акс эттириш

Бу каби намуналар кичкинтойларни ҳам тарбиялаб, ҳам эстетик завқ беради. Шундагина бадиий сўз куртакликдан ўсиб, япроқ ёза бошлайди.

Кичик ёшдаги болаларнинг ички олами ниҳоятда бой. Яъни, улар ҳали кўп нарсани билмаса-да, лекин билишдан иборат маънавий эҳтиёж жараёнини бошдан кечиради. Шу сабабли улар ўзларига жониворлар, ҳашарот-у ҳайвонларни ака-ука, ёхуд, тенгқур дўстдек тутишини таъкидлайди. Чиндан ҳам шундай. 7-8 ёшли болалар табиатан ҳамма нарсаға

хайрат билан бокадилар, ҳар бир ходисадан ҳаяжонланадилар. Атроф оламдаги ҳар бир нарсага қизиқадилар. Уларнинг шакли, ранги, моҳияти... хуллас, оламни, дунёни таний бошлайдиларки, бунда улар ҳаёлида “Нега?”, “У ким?”, “Бу нима?” “Қанақа?” каби сон-саноксизлар туғилади. Олам улар учун жумбоқ туюлганидан, ўзлари ҳам “Нимавой”га айланиб қоладилар. Ана шу ёшга хос ўта қизиқувчанликни тушуна олган ижодкоргина бу саволларга айнан болаларбоп жавоб беришга эришади. Шунини унутмаслик керакки, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қизиқишлари ҳам замон, давр билан тараккий этиб, мураккаблаша боради. Шу билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлодни эндиликда кўпроқ мантиқий жумбоқлар, инсонни билиш, ботиний олам сирлари, олам ва одам муносабати масалалари қизиқтираётгани сир эмас.

Шарль Перро, ака-ука Гриммлар, Х.Андерсен эртаклари, жумладан, Э.Рапсеннинг “Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари”, А.Толстойнинг “Олтин калит ёки Буратинонинг бошидан кечирганлари”, Ж.Родарининг “Чипполинонинг бошидан кечирганлари”, “Телефонда айтилган эртаклар”, А.Линдгрениннг “Миттивой ва томда яшовчи Карлсон ҳақида икки кисса” кабиларни завқу-шавқ билан ўқилиши ана шунда.

Чуковскийнинг таъкидлашича, бола ўзининг дунёсини, ўзининг мантиқини, ўзининг астрономиясини яратади, агар ким у билан мулоқотга кирмокчи бўлса, унинг оламига кириши ҳамда у ерда яшаши лозим. “Мен болаларни ўрганишга аҳд қилдим... Бир вақтлар халққа қайтганларидек мен ҳам “болаликка қайтишга” қарор қилиб, катталар жамияти билан муносабатимни деярли уздим ва уч ёшли болалар билангина мулоқотга киришдим”, [1]– деб ёзган еди Чуковский ўзининг кундаликларида.

Бинобарин, болаларга мўлжалланган бадиий адабиёт кичкинтойлардан ташқари дастлаб, санъат асари сифатида, сўнгра, ғоядорлиги жиҳатдан ҳаммабоп бўлиши мумкин экан. Дунё яралгандан буён борликнинг асоси инсон ҳисобланади. Одамзотнинг мавжудлиги эса яралиш ва яратишдан иборат. Яъни ҳар қандай жонзотнинг вужудга келиши ўзига боғлиқ бўлмаса-да аммо қачондир унинг ўзи ҳам яратувчига айланади. Бу занжир оламнинг ибтидосидан то хануз узлуксиз давом этиб келмокда. Болалик эса ҳамиша ана шу силсиланинг илк бўғинидир. Биз катталар тафаккур, идрокимиз, фаолиятимиз, хатти-харакатимиз ҳамда муносабатларимиз орқали ўз оламимизни барпо қиламиз, ўзгартирамиз, ёки хоҳлаган томонга йўналтирамиз. Болалик ва етуклик гўё ер шарининг икки қарама-қарши қутби, бирида гўё сокин киш бўлса, иккинчисида айни гуллаб яшнаган, ҳар дақиқада турфа хилда товланувчи баҳор ҳавосининг иклими ҳукмрон. Тўрт фасл ичида яралмиш олам баҳор фаслида намоён бўлганидек, болалик дунёси инсон умрининг пойдеворидир. Бу давр тахминан 70-80 йил умр кўрадиган киши учун бор йўғи ўндан биргина бўлагини ташкил қилса ҳам шу қадар кенг, поёнсиз, тенгсиз ажойиботларга бой палласи эканлигидан бутун умрга татигулик ширин хотира бўлиб қолади. Шу маънода, айнан кичкинтойлар олами ҳамиша педагоглар, психологлар, врачу мутахассис тадқиқотчиларнинг ўрганиш объекти бўлиб келган. Бундан ташқари, бадиий ижодда – адабиётда ҳам кичкинтойлар образи, олами ўзига хос жилоларда талқин этилиши бежиз эмас. А.Линдгрениннг Миттивой ва Карлсон, Сент-Экзюперининг Кичкина шахзодаси, ўзбек адабиётида эса Х.Тўхтабоевнинг Омонбой билан Давронбойи шундай қаҳрамонлардир. Бу образлар асар ёзилган вақтдан буён ўз китобхонини йўқотмай келмокда. Бу асарлар нафақат ғаройиботлар олами, аниқроқ айтганда катталар ишониши кийин, аммо болалар учун ҳаётий ҳақиқатлиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Масалан, Сент-Экзюпери асаридаги Кичик шахзода саргузашти, ўзга сайёралик экани, одам оёғи етмайдиган саҳро вақеалари болалар учун мароқли ўқилишига сабаб бўлса, унинг руҳияти, тасаввури ҳамда атрофдагиларга - катталар ва олам ҳақидаги тасаввури болаликнинг ўзига хос талқини сифатида умумадабиётда эътироф этилади. Яъни, катталар бу асар орқали ёзувчининг айтмокчи бўлган фалсафасини илғайдилар.

Дарҳақиқат, “Кичкина шахзода” 1943-йилда ёзилган. Асарнинг сўз бошисидаги бағишловнинг ўзиёқ ўқувчини мулоҳазага ундайди. Муаллиф бу китобни катта ёшдаги одам – энг яқин дўстига бағишлайди ва бу учун болалардан кечирим сўрайди. Аммо ўша дўсти болаларга бағишлаб чиқарилган китобларни ҳам тушунишини таъкидлайди. Шу билан бирга,

ўша дўстининг пир пайтлар ўрнида бўлган болакайга, ахир катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлганларини эслатади. Ёзувчининг айтмоқчи фалсафаси шу илк саҳифадаёқ англашилади. Китоб катталарнинг болаликка эътиборида ўз болалиги тасаввуридан узоқлашмай ёндашиши эҳтиёжидир.

Шу сабабли қиссага муаллиф томонидан иллюстарциялар (расмлар) ишланган. Ёзувчи асар қаҳрамони образида гавдаланади. У ўзи "Бўлган воқеалар" деган китобда илоннинг ўлжасини чайнаб ўтирмай бус-бутунча ютиб юборгани ва шу маълумотга оид расмни кўриб, ўз тасаввурича чизган бошқа расмни ҳавола қилади. Кўрган расмида айикка чирмашиб ўраглан илоннинг оғзи катта очилган, айикни ёмоқчи бўлиб тургани тасвирланган.

Болакай эса филни тириклай ютган илоннинг ички кўринишини тасвирлагани учун катталар буни тушунмай, спляпага ўхшатишади. Бундаги ҳақиқат эса қуйидагича: илоннинг айикни тириклайин ютиши ҳақиқатга тўғри келмайди, аммо бу расм ва изоҳ "бўлган воқеалар"да берилмоқда. Катталар учун оддий туюлган бу ҳолга болалар ишонишади, албатта. Болакайнинг филни ютиши ҳақидаги тасаввурини эса аксинча катталар тушунмайди. Унда нега айикни ютиши ҳақидаги расмни беришди катталар? Януш Корчак шундай ёзган эди: "Болаларга ўзлари сезган ва ўйлаганларини гапириб бериш ғоят кийин, чунки уларни сўзда ифодалашга тўғри келади. Бундан ҳам оғирроғи эса ёзиш.. лекин болалар шоир ва файласуфдирлар." [2] Дарҳақиқат, шу таҳаллуси билан бутун дунёга танилган поляк адиби Генрика Гольдшмит болалар ички оламини теран англаган. У ўзининг педагогик тажрибаси, болалар шифокори сифатидаги билими, бетакрор ёзувчилик иқтидори орқали болалик дунёсининг кўпгина сир-асрорларини илғай олган. Бинобарин, у бола қалбининг эркинлигини қуш ва капалакка, гулга қиёслайди. "Кичкина шахзода"нинг олти ёшли қаҳрамони яна бир ҳақиқатни ойдинлаштиради: катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охироскибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади...

Қисса қаҳрамонининг расм чизишдан ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа касб - учувчиликни танлаб, бутун дунёни кезиб ҳам ҳалиги ўзи чизган расм ҳақида аниқ жавоб эшитмаганидан катталар ҳақидаги фикри ўзгармайди. Фақат унга дуч келган Кичкина шахзода уни лол қолдиради. Дафъатан пайдо бўлиб, унга кўзичок чизиб беришни сўраган кичкинтой ўша расмни бир кўришдаёқ, "менга бўғма илон ҳам, фил ҳам керакмас, илон хавфли. фил эса жуда катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина, менга кўзичок чизиб бер",-дейди.

Демак фақат болалар бир-бирини аниқ-тиниқ тасаввурлари билан тушуна олиш синоатини англаш мумкин. Асар қаҳрамонининг Кичкина шахзода учун чизган кўзичокнинг семиз-ориклиги, шохи бўлса кўчқор бўлиб қолиши, унга эса фақат кичкина кўзичок ёқиши ҳақидаги тафсилотлар ҳам шу маънода қиссага жон бағишлайди. Ҳатто, қутича чизиб шунга солиб қўйишини айтганда Кичкина шахзоданинг хурсандчиликдан қийкириб юбориши жуда ишонарли ва табиий. Унга ип чизиб берса, яна бир қувончи ортишида болаликкагина хос беғубор олам ҳикоясидир. Шу тариқа, қиссадаги ҳар бир детал ўқувчини кичкинтойларнинг сеҳрли ва бой оламига етаклаши билан аҳамиятли.

Антуан де Сент-Экзюперининг ҳаётида реал содир бўлган воқеалар қисса учун асос қилиб олингани ҳам бежиз эмас. У Сахара чўлларида қандай қилиб самолётини қўндиришга мажбур бўлганини сўзлай бошлаши билан эртакона тус олади. Тонгда учувчини уйғотган Кичкина шахзода билан асар қаҳрамони тезда тил топишиб кетади. Болакай учувчига ўзи учиб келган сайёра, у ердаги ғаройиб гулни меҳрибонлик билан парвариш қилиши ҳақида дарров сўзлаб беради. Унинг сайёраси - эрталаблари ўзининг нонуштасини унинг вулқонларида иситиб оладиган, кичкинагина, шинамгина уйчага ўхшашлиги ҳақида сўзлаб беради. Кичик шахзода меҳмон бўлган, қўшни сайёраларда истикомат қилувчиларни ва уларнинг ҳаётларини тасвирлайди ва бу тасвирлар ўзига хос панд-насихат, ўғитлардан иборат эди : қанақа ғалати халқ экан бу катталар, деб бола уларни зўрға тушунади. Бир қанча санғиб юришлардан сўнг Кичик шахзода ўз йўлида Тулкини учратади. Бу учрашув қисса ичидаги. Ҳар бир бола тафаккури илк шакллана бошлаган вақтданок "меники ягона" деган

ўшунчага эга бўлишга табиий. Айниқса, ҳамма учун умумий бўлган Ой, Қуёшни ҳам фақат ўзиники сингари меҳр билан кутади-кузатади. Ҳар куни интизорлик билан қарши олади. Аслида, бу меҳрнинг самимийлиги, бегуборлиги нишонаси. Бирор жонивор, қуш ёки дарахтми, гулми бўлсин унга бутун вужуди билан меҳр кўргизади, авайлайди, асрайди. Ўзиданда зиёда билиб, сув-овқатини баҳам кўради. Сент Экзюпери илк болалик хотираларининг ана шу жиҳатини ўз қаҳрамонига тўлиқ кўчира олгани билан шуҳрат топди. Ўз болалиги тасаввурларини ҳис қилган ҳолда Кичик шахзодасини ҳеч ким яшамайдиган сайёрага биргина гули учун қайтиб кетишини тасвирлаш орқали табиийликка эришди. Шу сабабли унинг қаҳрамони Кичик шахзода "Фақатгина болалар нима излаётганларини билишади,-дейди,-агар у латта кўғирчоғини куни билан уйнаб ўтирса, у унга энг керакли ва кадрдон нарсага айланиб қолади, агар болани кўлидан кўғирчокни тортиб олишса, улар йиғлайдилар..."

Шу жиҳатдан қараганда қиссадаги ҳар бир образ алоҳида тамсил, рамз бўла олади. Ниҳоят, ўқувчи англайдики, мулоқотга, ҳамдардликка, меҳрга, ҳимояга эҳтиёжмандлик болаларга хос хусусият, фақатгина болалар ўзларининг соддадилликлари ва соф юраклари билан кўпинча катталар ёдидан чиқариб кўядиган бу хусусиятларни уларнинг ёдларига солиб туришади. Кичик шахзода ва йўқотилган самолётни учувчиси билан саҳродан топишади - бу эса йўқотилган ҳақиқатни топилганига ишора эди: "Юрак билан излаш керак" деган хитоб янграйди унда. Асарни мутолаа қилиб тугатган ўқувчи Антуан де Сент-Экзюпери "Кичкина шахзода" асарини Леон Вертга - бир пайтлар ёш бола бўлган дўстига бағишлагани моҳиятини англаб етади. Асар қаҳрамони 6 яшар пайтида қайси китобдаги суратга кўзи тушганлиги ва унда баҳайбат бўғма илоннинг бир йиртқич ҳайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилгани "Бўлган воқеалар"дан ўргани учун муаллифга каттик таъсир қилганини уқиш мумкин. Болалар адабиётининг асосий хусусиятларидан бири – унинг самимий ҳис-туйғуларга бойлиги экани ўз вақтида В.Г.Белинский томонидан қайта-қайта уқдирилган эди. Қувноқ юмор эса уни янада тўлдиради. Бу ҳали-хануз болалар адабиётининг ўзига хослигини белгилаб келмоқда. Н.Г.Чернишевский шу маънода, болаларга мўлжалланган бадиий асарларда "Ваҳ... Қандай даҳшат?", "Ей, мунча қулгили!", "Бай-бай, мунча яхши!" кайфиятларини кўзғовчи аломатлари бўлмаса, ёш китобхонларни тўлқинлантира олмайди, деб ҳисоблаган эди. Ҳамма нарсага қизиқувчанлик болаларнинг табиатида мавжудлиги ҳам қиссанинг муваффақиятини таъминлаган.

Машҳур швед ёзувчиси А. Линдгренининг Карлсон ҳақидаги китоблари педагогик деб аташ мумкин. Нима учун? Хусусан, уларнинг режаси болалар ўқийдиган одатий ҳақиқатга жуда яқин бўлгани учун. Китобларда ҳаётларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг истакларининг ўхшашлигини, характернинг фазилатларини ва белгиларнинг мотивлари ва хатти-ҳаракатлари билан танишиб, ўқувчи кундалик ҳаёти ҳақида ўйлаш, уни чуқурроқ тушуниш мойиллигини ҳис қилади. Карлсон ким? Унинг барча ғайритабиийлигига қарамадан, у боланинг барча хусусиятларига эга бўлган боланинг тимсолидир. У одатда болаларнинг камчиликлари ва афзалликларини ифодалайди. Ҳа, у ёлғон гапирди, жирканчдир, нопокликдан хафа қилади, мактанади, овқатлантиради. Шу билан бирга, у энергия, қувноқлик, жавоб бериш, фидойилик кўрсатади. Карлсон қарама-қаршидир ва уни ҳақиқий дунёга яқинлаштиради. Карлсоннинг саргузаштлари ҳақидаги ҳикояни ўқийдиганлар қандай қабул қилишади? Албатта, болалар ўз ҳаракатларига кўпроқ қулишади.

А. Линдгрени томонидан тасвирланган қулгили вазиятларда, биринчи қарашда кўринмас, аммо муҳим педагогик маънога эга. Бундан ташқари, болаликда ўқилган нарса кейинги ҳаётга таъсир қилади. Ахир, болаларнинг таассуротлари энг ёрқин, унутилмас. Шундай қилиб, А. Линдгренининг китоблари нафақат болаларни, балки катталарни ҳам тарбиялайди. Х.Тўхтабоевнинг ака-ука Омонбой ва Давронбойнинг саргузаштлари ҳақидаги қиссаси ҳам 6-4 ёшли болалар ҳақида. Уларнинг самимий ва соддадиллиги, катталарнинг шунчаки ҳазил қилиб айтган гапини росмана жиддийликка олиб, яъни чиппа-чин ишониб, улоқиб кетганлари ҳақидадир. Бу азаматлар уйлари олдида бузилиб қолган катта юк машинасига ортилган қувурларни шопир амакининг "топшириғи"га кўра кўриклашга

киришадилар. Шофёр уста топиб келиш учун олисга кетади. Болаларга шунчаки хазилнамо "қараб туришлар, ҳеч ким тегмасин, мен келгунча",-деган гапи билан катта масъулиятни зиммасига олган қахрамонлардек, кун давомида машинанинг атрофидан нари кетишмайди. Қоронғи тушавергач, қўрққанларидан, қувурни ичига кириб олиб, эски чопонларни ташлаб, ўралиб уйқуга кетганларини билмай қолишади. Шофёр эса бемалол тун қоронғусида машинани тузатиб, олис чўл томонга йўл олади. Хуллас, болакайлар эрталаб уйқудан турганда, чўлдаги газ қувурлари ўтказилаётган вагон уйчалар ёнида ўзларини кўрадилар...

Болалар амакидан қишлоққа газ келтириш учун олиб кетаётган қувурлар ҳақида эшитгани учун шунчалик масъулият туйишади-да. Алал-оқибат, кечаси билан уларни кидириб хуноб бўлган ота-оналари ва қишлоқ аҳлига бир газ баллон билан болаларни олиб келишганда ҳақиқий байрам бўлади. Шу орадаги барча саргузаштлар эса болаликнинг чинакам ифодаси эканлиги диққатни тортади. Бадиий асарда кичкинтойлар олами ифодаси шу тариқа ранг-баранг маъно-мазмун бағишлаши орқали янги авлод болаларининг олами ҳам кашф этила боради. Уларни теран англаш, ҳиссиётлари, орзуларини эътиборсиз қолдирмаслик жамият тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Болалар учун ёзилган ҳар қандай асар таъбир жоиз бўлса шу каби теран фалсафий мазмун ҳамда катталар учун завкли хотира, олис болалиги ҳақида ёзилган кундалик мисоли қиймати баланд бўлади. Муҳими, катта авлоднинг болаликни англашдаги тасаввур ва тушунчалари кенгайиб боради.

Иқтибослар / Сноски /References:

1. Jamilova B.S. Basics of Uzbek Children's Reading. TEST Engineering&Management// <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine>
2. Bashorat Jamilova. Description of the spirit of teenagers in uzbek children's prose . MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/134/136>https:
3. Sattorovna Jamilova Bashorat, Sadriddinova Nuriddinova Shaxnoza The spiritual description of adults in uzbek children's prose-the place of literary psychologism. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL
4. Year : 2021, Volume : 11, Issue : 1
5. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/134/136>
6. Жамилова, Башорат. ТРАКТОВКА И ФОРМЫ ВЫРАЖЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ДЛЯ ДЕТЕЙ. Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума Том. 2
7. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37532655&selid=37532696>
8. Жамилова, Башорат. Сюжет и его творческая трактовка // Современная филология: материалы II Междунар. науч. конф. (г. Уфа, январь 2013 г.). — Т. 0. — Уфа: Лето, 2013. — С. 1-2. — URL:<https://moluch.ru/conf/phil/archive/78/3286/> (дата обращения: 19.01.2021).
9. Ўзбек болалар адабиёти антологияси. Икки жилдлик. Икки жилдлик. 2-жилд. Наср / Ўзбек болалар адабиёти антологияси. 2- том.Наср.
10. Jamilova Bashorat Sattorovna, Nuriddinova Shaxnoza O'zbek bolalar adabiyotida badiiy tafakkur yangilanishining tadriji. 2020- yil, 12-son, 20-27-b.
11. https://tilvaadabiyot.uz/f/12-son_2020_jil_mukova-mun.pdf
12. Антуан де-Сент –Экзюпери. Кичкина шахзода. Тошкент, "Адабиёт учқунлари", 2018. 83 б.
13. Тўхтабоев Х. Қайдасан, болалигим. Тошкент, "Янги аср авлоди", 2019. –Б.10-37
14. А. Линдгрэн. Миттивой ва Карлсон. Тошкент, "Янги аср авлоди", 2019. 93 б
15. Сафаров О., Жамилова Б. «Болалик – бокийлик тимсоли» ёхуд, «мухбир-ликнинг олис йўллари» Т. : Шарқ, 2011
16. Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. Т.: Фан, 1989.